Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
МУҲАРРАМ, 21-КУН.

ШАМСИЙ,
1370 ЙИЛ,
АСАД, 14-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 2 август жума, 147-сон | НАРХИ ОВУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Депутатлик ҳаловат эмас

СЕРТАШВИШ ВАКОЛАТ

Инсон қаерда бўлмасин, доимо ўз ишига виждонан муносабатда бўлиши керак. Камчиликларга қарши мурosасиз курашмоғи зарур. Ана шундай яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Ғайрат Шамсутдиновга ўтган сайловда анграндаги кишилар юксак ишонч билдириб, депутатликка сайлашди.

— Халқ ноиби бўлганимда масъулияти унчалик оғир бўлади деб ўйламаган эдим, — дейди Анграндаги «Узбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженерининг ўринбосари, шаҳар советининг депутати, соғлиқни сақлаш ва маориф масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиянинг аъзоси Ғайрат Шамсутдинов. — Сайловчиларнинг сўровлари ва талабларини бажариш осон иш эмас экан. Турли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан депутатлик ишларим бўйича тез-тез муносабатда бўлиб тураман. Кимдир тушунади, бошқа биров эса масъулиятни зиммасидан соқит қилмоқчи бўлади. Аслида шаҳар хўжалигининг кўпгина масалаларини уларнинг ўзлари ҳал этишлари керак. Аммо сайловчилар ҳозир кўпроқ депутатларнинг мададига таянишмоқда. Оддий ишларни ҳал этишда ҳам, биздан ёрдам кутишаяпти. Сайлов округимиздаги бир нечта уйни капитал таъмирлашда ёрдам кўрсатдим. Уйларнинг иситиш шоҳобчалари ва сув тармоқларини яхши ишлатилишига ёрдам бердим. Кўчаларнинг четидаги йўлкалар текисланиб асфальт қилинди. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўладиган ишлар эмас. Ҳар бири учун югуриш, вақт сарфлаш, ишлаш зарур.



Ҳозир депутатларга талаб бошқача. Уларга муносабат ўзгарди. Ғайрат Шамсутдинов буни яхши ҳис қилади. Уз бурчини виждонан бажариш учун тиниб-тинчимайди. Ўтган бир ярим йил ичида у икки марта ўз сайловчилари ҳузурида ҳисоб берди. Бирлашма партия комитети унинг коммунист-депутат сифатида олиб бораётган ишларини кўриб чиқиб, муносиб баҳолади. Айни кунларда ҳам депутат сайловчилар ташвиши билан юрибди. Уларга қўлидан келганича ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТДА: Ғайрат ШАМСУДДИНОВ.
Еркин БОТИР олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши қўшма комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда республика ҳукумати билан касаба уюшмалари ўртасида 1991 йилги меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир икки томонлама битимнинг қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Мажлисда Вазирлар маҳкамаси билан касаба уюшмалари федерациясининг Кенгаши битимга киритилган тадбирларни бажариш юзасидан бир қанча аниқ тадбирларни қабул этгани таъкидланди. Жумладан:

— Истеъмол учун бериладиган маблағларнинг ўсишидаги чеклаш бекор қилинди, шу жумладан истеъмол моллари ва хизмат нархи ошганлигига, профилакторийлар, барча турдаги соғломлаштириш лагерларида даволаш курсини ўтаётган ходимларнинг овқатланишини яхшилашга бериладиган компенсация тўловлари оширилишига алоқадор барча сарф-харажатлар улардан олиб ташланди;

— Вақтинча ишга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва фарзанд кўрганлик, болаларни соғломлаштириш лагерларида даволаганлик, пархез таомлар билан овқатлантириш учун нафақа тўлашга сарфланадиган ижтимоий суғурта жамғармасига қўшимча маблағлар ажратиш ҳамда касаба уюшмаларининг санаторий-курорт муассасалари ва санаторий-профилакторийлари йўлланмалари нархи 140 миллион сўм қўпайиши муносабати билан сарф-харажатларни қоплаш тўғрисидаги масала ҳал қилинди;

— Касаба уюшмалари болалар ёзги соғломлаштириш мавсумига 40 миллион сўм қўшимча пул ажратди;

— Табиий офатлардан жабрланганларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 15 миллион сўм пул берилди.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши билан халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг ижроия комитети республикамиз ва мамлакатимизнинг экологик жиҳатдан қулай минтақаларидаги ёзги соғломлаштириш лагерларига жўнаб кетаётган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган кишиларни ташишга алоқадор транспорт харажатларини қоплаш учун икки сменага 350 минг сўм пул ажратди.

Битимда белгиланган муддатларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг компенсациялар манбаи ва касаба уюшмаларининг мулки ҳисобланган ёки у фойдаланаётган маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт муассасалари, кечаю-кундуз ишлайдиган болалар соғломлаштириш лагерлари ходимлари иш ҳақини ошириш ҳамда корхоналарнинг коржома, махсус пойабзал, якка тартибда ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш ва уларни сотишдан олган фойдасидан солиқ миқдорини камайтириш ҳамда уларни давлат буюртмасига киритиш тўғрисидаги қарорларининг лойиҳалари тайёрланди.

Комиссия мажлисида энг кам миқдордаги истеъмол бюджетини вужудга келтиришнинг умумий асослари, бинокорлик материаллари бозор жамғармаларини қўпайтиришга алоқадор масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетида

НАВБАТДАГИ МУЛОҚОТ— ДУШАНБЕ ШАҲРИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Тожикистон алюмин заводи келтириб чиқараётган экологик фожиани бартараф этиш лозимлиги хусусида мурожаатнома қабул қилинганлиги қўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Қўшни республика халқ депутатлари эътибори учун ёзилган бу ҳужжатда одамларнинг заҳарланиши, чорва молларининг нобуд бўлиши ва табиатнинг нфлосланишига йўл қўяверіш мумкин эмаслиги таъкидланган эди. Хўш, шундан буён бу йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда, қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг натижалари борми? «Халқ сўзи» мухбири Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитети раиси А. Жалиловдан ана шу ҳақда гапириб беришни сўради.

— Аввало, кейинги вақтда бу масала бўйича ҳар икки республика Олий Кенгашлари, унинг тегишли комитетлари, бевосита халқ депутатларининг фаоллиги кучайганлигини таъкидлашни истардим. Экологик фожиа районлари ва унга туташ қишлоқлардаги аҳвол турли соҳа мутахассислари, депутат гуруҳлари томонидан такрор-такрор ўрганиб чиқилди. Жойларда маҳаллий аҳоли, унинг вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди, сайловчиларнинг талаб ва истаклари, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашилди. Қардош республика вакиллари фикрининг қанчалик аянчли эканлиги билан таништирилди.

Шу йил январь ойида Душанбе шаҳрида Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашлари депутат гуруҳларининг биргаликдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда алюмин заводи директорининг корхона жойлашган райондаги экология ва санитария-гигиена шароитини яхшилаш учун амалга оширилаётган тадбирлари ҳақидаги ахбороти тингланди. Ҳар икки томон депутатлар гуруҳларининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олиниб, заводнинг ишлаб чиқариш қувватини камайтириш, маълум миқдордаги дастгоҳлардан фойдаланишни тўхтатиш, заҳарли чиқиндиларнинг кўпайишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ, деб топилди. Манфаатдор томонларнинг тегишли вазирликлари ва комитетлари мутахассисларидан аҳволни ўрганиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш учун махсус гуруҳ тузишга келишилди.

Биз бугун ўша олдинги учрашув ва мулоқотлар ози-кўпми ижобий натижа берабошлаганини айтишимиз мумкин. Сариосиё ва Тожикистон ССРнинг Турсунзода районларидаги экологик аҳвол мунтазам назорат қилинаётир. Шу йилнинг март, апрель ойларида шу масала билан шуғулланувчи мутахассислар гуруҳи икки марта муҳокамага тўпланиб, вазиятга ўз муносабатини билдирди. Умуман олганда шу кеча-кундузда депутатлар гуруҳлари учрашувида қабул қилинган қарорнинг анчагина талабларига риоя этилмоқда.

Таъбир жоиз бўлса, бу ишнинг бошланиши, холос. Корхона ҳамон ҳавони заарарли чиқиндилар билан булғатиб турибди. Заводда заҳарли моддаларни тутиб қолувчи мосламалар ўрнатишни тезлатиш, ишлаб чиқаришда табиий шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозимлиги каби ечимини кутаётган жуда кўп масалалар борки, уни ҳал этиш астойдил куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади. Айниқса, бизни заводнинг атроф муҳитини ниҳоятда ифлослантираётган эски цехларини тўхтатиш ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш муаммоси ташвишга солмоқда. Ҳар икки республика Олий Кенгаши депутатлар гуруҳининг 2 август куни Душанбе шаҳрида бўладиган навбатдаги учрашуви бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни кўпайтиришга ёрдам беради, деб ўйлайман.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ—ПЛЕНУМ МУҲОКАМАСИДА

Косон район партия комитети ва район партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленумида район ҳудудидан сайланган Ўзбекистон ССР ҳамда маҳаллий советлар коммунист-депутатлари ва район партия комитети сайловолди дастурларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муоҳкама қилинди. Утган сайловларда коммунистларга катта ишонч билдирилди. Райондан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайланганларнинг ҳаммаси, вилоят, шаҳар, район, қишлоқ кенгашлари депутатлигига сайланганларнинг асосий кўпчилигини партия аъзолари ташкил этади. Табиийки, бу уларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди.

Хўш, ана шу билдирилган ишончга қандай муносабатда бўлинмоқда. Берилган наказлар ўз вақтида бажариляптими, меҳнаткашлар қабули йўлга қўйилганми? Сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда айтилган сўров ва илтимослар бажарилмай қолиб кетмаяптими? Пленум қатнашчилари ана шу талаблар асосида коммунист-депутатларнинг фаолиятини таҳлил қилиб, эришилган ютуқларни таъкидладилар, мавжуд камчиликлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Баъзи бир кишилар сайловлар жараёнида берган ваъдаларини унутганликлари конкрет мисоллар асосида танқид қилинди. Сайловлардан буён бир ярим йил ўтди. Бу муддат коммунистлар учун халқ ишончини оқлаш йўлида астойдил интилиш, ибрат кўрсатиш учун етарлидир. Шунинг учун ҳам улар бундан кейин сўзамолликка, тантанали ваъдалар беришга эмас, амалий ишларни кўпайтиришга астойдил бел боғлашлари керак.

Пленумда партия йиғилишларида коммунист-депутатларнинг ҳисоботларини эшитиб туриш тажрибаси янада кенг қўлланилиши лозимлиги таъкидланди.

И. УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА БИЛАН ХАЙРЛАШМОҚДА

МОСКВА, 1 август. (ТАСС мухбири). Жорж Буш маъюдор қўл силкиб, жилмайиб ҳайрлашдида, Киевга учишга шай бўлиб турган оқ-мовий «Боинг» самолётига кириб кетди. АҚШ Президенти ва Барбара Бушнинг Москвага қилган уч кунлик ташрифи шу тариқа поёнига етмоқда. Америка раҳбарининг СССР Президенти М. С. Горбачев билан учрашуви ва музокаралари, стратегик ҳужум қуролларига оид тарихий шартноманинг имзоланиши ортда қолди.

Тантанали кузатиш маросими Шереметьево аэропортида бўлиб ўтди. Ж. Буш пиёдалар, денгизчилар ва учувчиларнинг фахрий қоровули сафини айланиб ўтди, А. А. Бессмертних ва бошқа совет расмий кишилари билан, Америка элчихонасининг ходимлари билан хайрлашди. Барбаранинг қўлида Москвага учиб келган кунида бўлганидек, ҳозир ҳам катта гулдаста, уни Кремлдаги кузатиш маросими вақтида СССР Президентининг рафиқаси Р. М. Горбачева топширган эди.

Аввалги кунларда бўлганидек, бугун ҳам Москвада қуёш чарақлаб турибди, ҳаво илиқ, енгил шабада эсмоқда. Америкалик меҳмонлар Москвадан яхши кайфият билан кетаётганликлари шундоққина кўриниб турибди.

Бундан аввал телекамералар Ж. Бушнинг катта Кремль саройи Георгий залида М. С. Горбачев билан ҳайрлашиш маросимини кўрсатган эди. Уларнинг Москва учрашуви ўтган сешанба куни худди шу жойда бошланганлиги маълум. Иккала мамлакатнинг раҳбарлари сўзлаган қисқача нутқларда уларнинг жаҳон сиёсати ва икки томонлама муносабатларнинг асосий муаммолари юзасидан Москвада ва Ново-Огаревода бўлиб ўтган кўп соатли суҳбатлар якунланди.

СССР Президенти Москвада ўтказилган «саммий, дўстона мулоқот кунлари учун, ҳамжиҳатлик ва мададкорлик учун» Жорж Бушга ва Барбара Бушга миннатдорчилик билдирди ҳамда «барча америкаликларга эсон-омонлик, тинчлик ва бахт-саодат тилаб энг яхши истаклар» топширди.

Меҳмонлар Кремль саройидан чиқиб кетишар экан, асосий пиллапоядан пастга тушдилар, пиллапоянинг икки тарафида офицерлар бир текис саф тортиб туришар эди. Сўнгра мотоциклчилар ҳамроҳлигида Президентнинг «Кадиллак» машинаси Кремль ҳудудидан чиқиб, аэропортга йўл олди. Машиналар карвони ўтиб борган Ленин шоҳ кўчаси ва бошқа катта кўчалар иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган эди.

Украина пойтахтида АҚШ Президентининг республика раҳбарлари билан учрашувлари, парламентда нутқ сўзлаши, София соборини ва «Бабий яр» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиши кўзда тутилган.

Ж. Бушнинг мамлакат бўйлаб қиладиган сафарида СССР вице-президенти Г. И. Янаев унга ҳамроҳ бўлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Пиллачилик халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири эканини эътиборга олиб ҳамда тармоқ ишчилари ва мутахассисларининг Ўзбекистон ССР иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони тўғрисидаги низом ва ушбу фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони тавсифи тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони таъсис этилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари тўғрисидаги низомга қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

10-модданинг «Б» бўлимидаги «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» сўзларидан сўнг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» сўзлари қўшиб қўйилсин;

12-модда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» бўлимидан сўнг қуйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССРда хизат кўрсатган пиллачи» — колхозчиларга, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари, мутахассисларига ўқув юртлари, илмий тадқиқот ва тажриба муассасаларининг ходимларига, шунингдек пиллачиликни ривожлантиришда хизматлари бўлган ҳамда шу тармоқда камида 20 йил бенуқсон ишлаган кишиларга берилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 1 август.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони колхозчиларга, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ишчилари, мутахассисларига, ўқув юртлари, илмий тадқиқот ва тажриба муассасаларининг ходимларига, шунингдек пиллачиликни ривожлантиришда хизмати бўлган ва шу тармоқда камида 20 йил бенуқсон ишлаган кишиларга берилади.

2. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитети ва вилоят комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгаши билан Қорақалпоғистон АССР Вазирлар кенгашининг, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар советлари ижроия комитетларининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Президенти томонидан берилади.

3. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонини бериш тўғрисидаги тавсияномада, одатда, фахрий унвонга тақдим этилаётган киши ишлаётган жамоаларда маъмурият томонидан жамоат ташкилотлари билан биргаликда берилади.

Шаҳар, район партия ташкилотлари, халқ депутатлари шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари ҳам тавсиянома беришлари мумкин.

4. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони берилган кишиларга гувоҳнома ва белгиланган намунадаги кўкрак нишони топширилади.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонининг эгалари ҳуқуқ ва имтиёзлар жиҳатидан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган кишиларга тенглашадилар.

5. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонининг кўкрак нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

6. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» гувоҳномаси ва кўкрак нишони тантанали ва кенг ошкоралик муҳитида Ўзбекистон ССР Президенти номидан топширилади.

7. Ўзбекистон ССР Президентигина «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонидан маҳрум этиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон пиллачилиги минг йиллик тарихга эга. Минтақанинг қулай иқлим шароитлари қишлоқ хўжалигининг даромадли тармоғи сифатида пилла қурти етиштириш билан шуғулланиш имконини беради.

Шу сабабли пиллачиликнинг моддий-техникавий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш юзасидан мунтазам равишда тадбирлар кўрилди. Олтмишинчи йилларнинг бошларида республикада пилла тайёрлаш умуман 13 минг тоннани ташкил этганди.

Олтмишинчи йилларнинг бошларидан пиллачилик жадал суръатларда ривожланди ва 1991 йилда халқ истеъмоли моллари учун 33,5 минг тонна жуда қимматбаҳо хом ашё етиштирилди ва тайёрланди, шундай қилиб, бутун пиллачилик тарихида биринчи марта рекорд қўйилди. Бугун республика пиллачилари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган пилла хом ашёсининг 70 фоизини тайёрламоқда.

Ҳозирги вақтда республиканинг бутун ҳудудида пилла қурти етиштирилмоқда, барча колхозлар ва совхозларнинг 80 фоизи пилла қурти етиштириш билан шуғулланади.

Тармоқда 14 та қурт уруғи заводи, 3 та наслдор пиллачилик станцияси, тут кўчатларини етиштиришга ихтисослашган 7 та хўжалик ташкил этилган ва улар ишлаб турибди. Республиканинг ҳар бир районида бош пилла қуритиш корхоналари ишламоқда. Тармоқда қарийб 15 минг ишчи, хизматчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда, пилла қурти боқиш даврида эса қишлоқ аҳолисидан 1,5-2 миллион киши бу ишга жалб қилинади.

Кейинги йилларда ипак қурти уруғини тайёрлайдиган заводлар, бош пилла қуритиш корхоналари ватанимизда ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган юқори унумли ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Пиллачиликнинг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу йилнинг ўзидагина республика хўжаликларида 40 миллион тупдан кўпроқ тут кўчатлари ўтқазилди. 1995 йилгача ипак қурти уруғини тайёрлайдиган 10 та завод қуриш мўлжалланмоқда. 3 минг тонна пиллага дастлабки ишлов бериш қувватига эга бўлган 15 та база ҳам қурилади ва таъмирланади. Республика енгил саноатининг бу хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш учун пилла ишлаб чиқариш 38—39 минг тоннага етказилиши лозим.

Республикада ўз ишининг ҳақиқий усталари — звено бошлиқлари, бригадирлар, тармоқ мутахассислари етишиб чиқди. Улар неча ўн йиллар мобайнида ҳалол, фидокорона, виждонан қилаётган меҳнатлари билан юқори ишлаб чиқариш — иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Бироқ, уларнинг оғир меҳнати (зарарли шароитда пилла етиштиришда) хизматларига яраша тўла даражада баҳоланмаяпти. Бугунги кунда кўп минг кишилик жамоанинг атиги 30 нафар ходими «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонига эга.

Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги фармони меҳнат кишиларининг ҳақидаги ғамхўрлик билан йўғрилган. Уларнинг меҳнат фаоллигини оширишга ҳамда хизматларига муносиб баҳо беришга қаратилган.

Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси ўтган йилнинг апрель ойида «Маҳаллий саноат вазирлигига қарашли район ва шаҳар саноат комбинатларини тузиш, аҳолининг меҳнат билан банд бўлмаган қисмини ишга жалб этиш юзасидан шошилинч тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилганди. Орадан ўн беш ой ўтди. Хўш, ушбу ҳужжат тақдири нима кечди?

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ САНОАТЧИЛАРИНИНГ УРГУТДА ЎТКАЗИЛГАН КЕНГАШИ ТААССУРОТЛАРИ

Вилоятлар маҳаллий саноат бошқармаларининг бошлиқлари, районлар ва шаҳарлар саноат комбинатларининг директорлари, маҳаллий саноат вазирлиги раҳбарларию мутахассислари ана шу саволга жавоб бериш мақсадида Ургутда тўпландилар. Аввало, анжуманнинг айнан ушбу маконда чақирилиши хусусида. Республика маҳаллий саноат вазири В. А. Чженнинг фикрига қараганда, мазкур район саноат комбинатининг иши Вазирлар маҳкамасининг юқоридаги қарори талабларига мос бўлиб тушаётир. Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳам корхоналар ишини кўздан кечиришаркан, бунга тўла ишонч ҳосил қилдилар.

Комбинат директори Фахриддин Фазлиевнинг маълумотига кўра, бундан бир йил олдин учта кичик корхонада атиги 20 нафар киши билан иш бошлаганди. Ўтган давр мобайнида тикувчилик, атлас тўқиш, гиламдўзлик, шарқ ширинликлари, кулолчилик, оҳак пиширш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби 15 тадан зиёд цех ташкил этилди. Ижтимоий меҳнатга жалб этилганлар сони эса 150 тадан ортди.

Комбинат аҳли айниқса қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жиддий эътибор бермоқда. Уй-жой қурувчиларга ғишт етказиб бериш тобора кенг тус олаяпти. Украинанинг Одесса шаҳридан келтирилган дастгоҳ шарофати туфайли тошшағалдан йирик ғишт тайёрлаш йўлга қўйилди. Умуман ургутлик маҳаллий саноатчилар бу йил бир миллион уч юз минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга аҳд этишган.

Республика миқёсида-чи? Ҳозиргача 190 дан зиёд шаҳар ва районда саноат комбинатлари тузилган. Бу — белгиланганидан 36 та кўп. Уларда 20.635 киши меҳнат қилмоқда. Ўтган давр ичида мазкур корхоналарда 177,2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, аҳолига 6 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

Энг муҳими — халқ ҳунармандчилиги қайтадан тикланмоқда. Кўзни қамаштирадиган ҳонатлас ва беқасамлар пайдо бўла бошлади. Миллий оёқ кийимлари кўзга ташланаяпти. Қўлда тўқилган гиламлар, поянддозлар хонадонларимизга файз киритаётир. Чорпоялар, хонтахталар, кўрпачаларни айтмайсизми! Жувоз ёғининг таъмию тегирмон унининг қуввати танимизга оқиб кирганми-чи? Хуллас, турмушимизда миллийлик нафаси уфурмоқдаки, бунда маҳаллий саноатчиларимизнинг хизматлари беқиёс.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари А. Муталов юқоридаги маълумотларни тилга оларкан, булар ҳали чегарадий ҳунармандчилигини ривожлантириш тадбирларига етарлича қўл урилмаяпти. Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятларида ғишт тайёрлаш, олти вилоятда эса керамика буюмлари ишлаб чиқариш ва оҳак пиширш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини консервалаш, қўлда газмол тўқиш, миллий оёқ кийимлари тикиш, ёғоч ҳамда пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш имкониятлари бой берилмоқда.

— Янгидан тузилган саноат комбинатлари фаолияти ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар даражасига кўтарилди, — деди республика маҳаллий саноат вазири В. А. Чжен. — Зеро, улар турар жой қурилиши, озиқ-овқат таъминоти, халқ ҳунармандчилиги анъаналарини тиклаш муаммоларини ҳал этувчи таянч кучга айланишлари керак. Афсуски, кўпгина жойларда бунинг моҳияти етарлича англанмаяпти. Оддий мисолларга қаранг: республиканинг ҳамма жойида тош-шағал конларини очиш мумкин. Самарқандда Улуғ Ватан уруши даврида шакар заводлари ишлаган. Грузияда тут мураббоси валютага алмаштирилаяпти. Булардан тегишли хулоса чиқаришимиз керак. Отабоболаримизнинг мева-сабзавотни, терини, пиллани қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотиш анъанаси дадил қўлланилмаяпти. Бу ҳол комбинатларимиз иш самарадорлигига жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Сабабсиз оқибатни тасаввур этиш қийин. Вазир қайд этиб ўтган камчилик ва нуқсонлар силсиласи биринчи навбатда район ва шаҳарлар раҳбарларининг маҳаллий саноат ривожи равнақига етарли эътибор бермаётганликларига бориб тақалади. Иккинчидан, янги комбинатлар рўзғорларининг жилови дуч келган кишилар қўлига тутқазилмоқда. Семинар-кенгашда бошқа ҳаётий муҳим муаммо — район маҳаллий саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини бирлаштириш масаласи ҳам илгари сурилди. Шундай қилинса, бошқарув такомиллаштирилади, бинобарин, юқори иш самарадорлигига эришилади. Бу таклиф кўпчиликка маъқул тушди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ургут райони маҳаллий саноат комбинатининг 1991—1993 йилларга мўлжалланган режалари билан танишгач, ўз жамоалари ишини йўлга қўйиш юзасидан қимматли хулосалар чиқардилар.

— Ургутликлар яна 30 та гилам тўқиш дастгоҳини ишга тушириб, ҳар йили 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқчи, — деди Узун райони маҳаллий саноат комбинати директори Тошпўлат Хўжамқулов биз билан суҳбатда. — Бу тадбир қўшимча 80 нафар кишини бекорчиликдан қутқариши мумкин. Уларнинг, шунингдек, келаси йили атлас ва бошқа газлама тўқиш дастгоҳларини ўн бештага кўпайтириб, 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, шу тариқа 40 кишини иш билан таъминлаш режаси ҳам бизда катта қизиқиш уйғотди. Энг муҳими — ана шу юмушларни рўёбга чиқариш учун бу ерда имконият ҳам, ҳаракат ҳам етарли экан. Бундай тадбиркорлик биз учун тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, Ургут маҳаллий саноатчилари эзгу мақсад йўлида қадам ташлашмоқда. Улар яқин йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 500 тоннага етказиш, 10 миллион донагача ғишт тайёрлаш, 10 минг тонна оҳак пиширишга бел боғлашган. Ана шу тадбирлар туфайли йилига 3,7 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади, маҳаллий саноатчилар сони эса 500 кишига кўпаяди.

Республика маҳаллий саноатчилари кенгашида бу режалар маъқулланиб, кенг тарғиб қилинди. Тадбиркорларга яшил йўл очиш, баҳона қидирувчиларга эса, тегишли жавоб бериш фикри ялов қилиб кўтарилди.

Холмуҳаммад НУР,
«Халқ сўзи» мухбири.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгашининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида СССР Иттифоқи ва республикалар қонун асосларини кучга киритиш ҳақида»ги 1991 йил 15 январь қарорини бажариш юзасидан СССР Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1 Қуйидагилар тавсия этилсин:

а) республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари иш билан таъминлаш Давлат шўъбасининг таклифига биноан ва унинг иштирокида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш чораларини кўрсинлар. Маҳаллий ва республика даражасидаги иш билан таъминлаш давлат дастурларида ишларнинг ана шундай ҳамма бажара оладиган ва одатда, махсус касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган турлари ҳажми кўзда тутилсин;

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги республикаларнинг ҳукуматлари, манфаатдор ССР вазирликлари ва идоралари иштирокида иш билан таъминлашнинг давлат Умумиттифоқ дастурларини ишлаб чиқиш чоғида аҳолининг жамоат ишларига жалб этиладиган табақаларига қараб, бундай ишларни ривожлантиришга доир фаразларни, уларни ташкил этиш шаклларини ҳисобга олсин ва 1992 йилдан бошлаб республикаларнинг таклифларига биноан иш билан таъминлаш Иттифоқ жамғармаси бошқаруви билан биргаликда айрим ҳудудларда мазкур ишларни бажариш учун жамғармадан аниқ мақсадни кўзлаб маблағ ажратишни кўзда тутсин.

б) халқ депутатлари маҳаллий Советлари:

иш билан таъминлаш Давлат шўъбасининг таклифига биноан иш билан таъминлашга кўмаклашишни мувофиқлаштириш комитетлари иштирокида, районда (шаҳарда) фуқароларни ишга жойлаштириш заруратидан келиб чиқиб ва иш билан таъминланмаган аҳолининг таркибини ҳисобга олиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг аниқ турлари ва ҳажмларини белгиласинлар.

Бунда биринчи навбатда ишсизлар ва иш билан банд бўлмаган фуқаролар район (шаҳар) ҳудудини ободонлаштиришга;

уй-жой биноларини, касалхоналар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, кексалар ва ногиронларнинг интернат уйлари ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларини қуриш (ремонт қилиш) ишларини бажаришда қурилиш ташкилотларига ёрдам беришга; баҳорги дала ишлари даврида, пичан ўримида, ҳосилни ўриб-йиғиб олишда қишлоққа ёрдам беришга, сабзавот базаларида ишлашга; кексалар ва ногиронларга қараб туришга; ишларнинг ҳамма учун осон бўлган бошқа турларини бажаришга жалб этилсин;

маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўйсунувчи корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда қўшимча иш жойлари, жумладан, иш билан таъминлашнинг ўзгарувчан шакллари қўлланиладиган иш жойлари барпо этилсин, шунингдек, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, ўзга корхоналарда ана шундай иш жойларини барпо этиш шартлари ва тартибини аниқласин. Мазкур иш жойлари, аввало, маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, савдо, умумий овқатланиш, маданият ва спорт соҳаларида аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб барпо этилади;

уларнинг тасарруфига тушадиган маблағ доирасида иш қидиришда қийинчилик сезаётган фуқаролар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этган корхоналар учун солиқ солишда имтиёзлар белгилансин ҳамда улар маҳаллий бюджетга тўловлардан тўла ёки қисман озод қилиб қўйилсин;

аҳоли, шунингдек, корхоналар районда (шаҳарда) ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ўтказилиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва бундай ишларни бажариш чоғида имтиёзлар бериш тўғрисида аҳоли ва корхоналар кенг хабардор этилиши таъминлансин.

2. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига шартнома тузиш учун устивор ҳуқуққа эгадирлар. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига фуқаролар давлат иш билан таъминлаш шўъбаси идоралари томонидан юборилади.

Фуқароларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштироки уларнинг ихтиёрийлиги асосида ва меҳнат қонунлари меъёрларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Хавфли, зарарли ва ноқулай ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ ишларга юбориладиган фуқаролар амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда мажбурий равишда тиббий текширувдан ўтадилар.

Авария ларнинг, табиий офатларнинг ва шу каби бошқа воқеаларнинг оқибатларини тугатиш зарурати билан боғлиқ фаолият турлари ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қаторига киритилишига йўл қўйилмайди.

3. Корхона жамоат ишларида қатнашишни хоҳловчи шахслар билан икки ой муддатгача шартнома тузади, бу шартномада уни узайтириш ҳуқуқи, меҳнат шароитлари, шу жумладан, қанча ҳақ тўланиши кўрсатилади. Ходим доимий иш топган тақдирда мазкур шартномалар бекор қилиниши керак.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида меҳнат учун корхона маблағи ҳисобидан қўшимча мукофот миқдорлари жамоат шартномаларида (битимларида) белгилаб қўйилади.

4. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажараётган ходимларга иш вақтининг давомийлиги, умумий ва узлуксиз меҳнат стажини ҳисоблаш меҳнат тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланади.

Корхоналарга ҳақ тўланадиган жамоат ишларида банд бўлган ходимларнинг айрим тоифаларига (болалари балоғатга етмаган аёлларга, ногиронларга) бажарган ишига ёки ишлаган вақтига қараб ҳақ тўлаш шарти билан тўла бўлмаган иш кунида (иш ҳафтасида) ишлаш имконини бериш, шунингдек, иш куни ва иш ҳафтасини ташкил этишнинг ўзгарувчан шаклларини қўлланиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан ва зарур бўлган тақдирда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган дотациядан фойдаланиб пул билан таъминланади. Бунда дотация миқдори ҳар йили иш билан таъминлаш Давлат шўъбаси юқори идораси томонидан республика Қонунига мувофиқ белгиланади. Мазкур дотациялар жамоат ишларини бажараётган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланиши лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари корхоналар билан шартнома асосида ташкил этадиган жамоат ишларига ҳақ тўлашга пул одатда ана шу корхоналар маблағи ҳисобидан ажратилади.

6. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишни назорат қилиш иш билан таъминлаш Давлат шўъбаси инспекцияси зиммасига юклатилсин.

7. СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги республикаларнинг ҳукуматлари ҳамда касаба уюшмалари иштирокида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш тўғрисида намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

х—бундан буён корхона деб юритилади.

Ўғлонларни йўқлаб

БЕШ КУНЛИК ДИЙДОР

Бизни Қизил Байроқ орденли Шимолий Денгиз Флотига боришимиз нақ тўйга айланиб кетди. Ўзбекистонлик матрослар ҳаяжонларини ичларига сиғдиролмас, лабларидан табассум аримасди. Ўзбекистон ҳақида тинимсиз савол беришарди.

Североморскда биз борган кун шиддатли ёмғир қуйиб берди. Бу ерларда баҳор ҳали давом этмоқда. Шаҳар атрофлари кўм-кўк ўт-ўланга бурканган, ҳаво гоҳ очилиб, гоҳ «қовоғини уюб» олар, ўзимиздаги декабрь ойини эслатарди.

Шимолий Денгиз Флотида юзлаб ўзбек ўғлонлари хизмат қилишар экан.

26 июль куни кечқурун бизни байрамга келган Адмирал Горшков номли ҳарбий кемага жойлаштиришди.

Эртаси куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комитети раиси В. Ниёзматов раҳбарлигидаги СССР халқ депутати, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ва Тошкент шаҳар совети депутатлари, журналистлар, «Олтин водий» ва «Паркент гуллари» халқ чолғу ва ашула рақс дасталаридан иборат делегация вакиллари ўзбекистонлик матрослар билан юзма-юз суҳбатлашиб, уларнинг хизмат ва яшаш шароитлари билан танишиб чиқдилар.

28 июль куни матрослар билан СССР Ҳарбий Денгиз Флоти кунини биргаликда нишонладик. Шу кун барча ҳарбий қисмлардаги ўзбекистонлик аскарлар биз турган кемага меҳмон бўлиб келишди. Катта концерт уюштирилди. Шимолий Денгиз Флоти қўмондони Е. Громов ўзбекистонлик йигитлардан жуда ҳам миннатдор эканлигини айтди.

Айни шу куни биз келиб тушган адмирал Горшков номли кема командири Е. М. Соломенцев Даврон Бўриев, Номоз Абдураҳмонов, Тоҳир Абдуллаев, Тошпемир Мирсиров каби бир қатор матрослар ташаккурнома эълон қилиб, ўзбекистонлик уч йигитга 20 кунлик таътил бериш ҳақида хабар берди.

Шу куни аскар йигитларимиз ва Североморск шаҳар аҳолиси вакилларига 200 килограмм гуруч дамланиб ош тортилди. Байрам куни 10 тоннадан зиёд диёримиз нон-неъматлари солдатларга тортиқ қилинди. Улуғ Ватан уруши жангчилари хотирасига гуллар қўйилди...

Хуллас, таассуротлар бир олам. Ҳарбий Денгиз Флоти зобитларининг юртдошларимиз ҳақидаги илиқ фикрларидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Исмат ХУДОЁР,
«Халқ сўзи» мухбири.
Тошкент—Мурманск.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Тахиатош шаҳар советининг ташкилий бўлимида депутатлар бурчаги ташкил этилди. Бу ерда бўлган одам шаҳар совети фаолиятига доир муҳим қўлланмалар билан танишади. Депутатларнинг қандай ишлаши кераклиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. Уларнинг иш усуллари, наказларини бажаришга бўлган муносабатларини ўрганишади.

СУРАТДА: шаҳар совети раисининг муовини Турсунбой Якипов пенсионер Бекиш Урозбоев, депутатлар Қурбонбой Худойберганов ва Махсет Алмағабетовлар билан депутатлар бурчагида навбатдаги вазифалар ҳақида фикрлашиб олишмоқда.

Е. БОТИР олган сурат.

ОЛОВ ФАРЗАНДЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА БИР КУН

300 гектар саҳнли Ўзбекистон металлургия заводи ҳудудини айланиб чиқишга улгурмадик. Бунга сафар муддати имкон бермади. Уруш даврида, 1942 йилда Ўзбекистонга кўчирилган ушбу корхонада дастлаб учта цех мавжуд эди. Йиллар ўтгач, у ўн минг киши ишлайдиган улкан заводга айланди.

Ҳозир мартен печлари қаторида электр печлар ҳам узлуксиз ишламоқда. Кейингисида йилига 750 минг тонна металл тайёрланиши керак. Лекин бу кўрсаткич 700 тоннадан ошмаяпти. Сабаби — хом ашё етишмаётир. Ҳар куни уч минг тонна темир-терсак талаб этилади, амалда эса унинг тўртдан уч қисми келтирилмоқда. Бошқача айтганда, йил бошидан буён 456 минг тонна ўрнига 359 минг тонна темир-терсак олиндики, бу 78,9 фоизга тенг. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича олти ойлик режа 90 фоиз бажарилди. 34 миллион сўм ўрнига 20 миллион сўм фойда қўлга киритилди.

Нима учун шундай ҳол рўй бераяпти? Бизнингча, жойлардаги тегишли ташкилотлар темир-терсак йиғишдан манфаатдор эмас. Уларни рағбатлантиришга эса заводнинг ҳамёни кўтармайди. Лекин, вазиятдан чиқишнинг йўли бор. Аввало, вилоятларда темир-терсак қабул қиладиган пунктлар сонини кўпайтириш лозим. Бу пунктлар маблағ билан биргаликда транспорт билан ҳам таъминланиши зарур. Ва, ниҳоят, ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама шартнома тузилишига эришиш даркор. Шундагина мурод ушалади, деб ўйлаймиз.

Очиғи план бажарилмаслигида корхонани айблаб бўлмайди. Зеро, одамлар тер тўкиб меҳнат қилишмоқда. Бизга қолса, уларни олов фарзандлари, деб атардик. Ахир 1.500—1.600 даража иссиқ рўпарасида ишлашнинг ўзи бўладими? Эркаклар бор, соясалқин жойларда йигирма тийинлик сув сотадилар. Эркаклар борки, хотин-қизлар ички кийимлари дўконида ишлайдилар... Барзангидай йигитлар эса қоровулхонада тонгни кутадилар. Улар билан пўлат қуювчилар ўртасида ер ва осмонча фарқ бор!

Завод партия комитети котиби Ю. Юсуповнинг айтишича, раҳбарият корхона қувватларини ошириш, янги технологияларни жорий этиш борасида тинимсиз изланмоқда. Бу йил янги қувур цехи ишга туширилди. Шу пайгача Ўзбекистонда бундай маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган эди. Ушбу янгиликни табриклаш керак. Бу ерда бир кеча-кундузда 1 километру 800 метргача қувур тайёрланмоқда. Бироқ хом ашё тақчиллиги туфайли цехни мақбул даражада ишлатишнинг имкони бўлмаётир.

Завод ҳудуди йил сайин кенгайиб бормоқда. Аммо унинг атроф муҳитига таъсири ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти. Цехларда эса ҳаво тозалагичлар йўқ. Оқибатда шаҳар осмони узра қора тутунлар бурқсиб юрибди.

Тан олиш керак, бу ерда инсон омилига эътибор кучли. Деярли ҳар бир цехда соғломлаштириш мажмуи мавжуд. Ишчилар оғир меҳнатдан сўнг бемалол ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Устига-устак, йилига «Металлург» санаторийсида 2000 ишчи саломатлигини тиклаяпти, 100 нафардан ортиқ киши туристик саёҳатларда бўлмоқда, уларнинг мингдан зиёд фарзандлари эса пионер оромгоҳларида дам олишаётир. Айни кунларда 10.280 ишчи-хизматчига тушлик учун корхона 1,5 сўмдан маблағ ажратмоқда.

— 1990 йилда 454 кишига уй-жой қуриш учун ер берилганди, — деди Ю. Юсупов. — Бу йил яна 200 ишчи ана шу қулайликдан баҳраманд бўлди.

Заводнинг ҳавас қилса арзигулик ёрдамчи хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. У мавжуд 15 та ошхонани сабзавот, мева, сут ва гўшт билан мунтазам таъминлаяпти. Хўжалик фермасида 260 бош қорамол ва минг бош чўчқа боқилаяпти. Яқинда бу ерда колбаса цехи очилди. Энди ишчилар бу неъматни қидириб, шаҳар кезмайдилар.

Маънон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ботир Алн ИМОМ,
журналист.

СССРДАН КЕТИШ ВА СССРГА КЕЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЧОҒИДА ДАВЛАТ БОЖИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. СССР Олий Кенгаши «СССР фуқароларининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан кетиши ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига келиши тартиби тўғрисида» СССР қонунини қабул қилганлиги муносабати билан СССР Вазирлар Кенгашининг 1979 йил 29 июндаги 648-сонли «Давлат божи миқдорлари тўғрисида» (СССР қарорлари тўплами, 1979 йил, 20-сон, 122-модда)даги қарорига қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин:

5-бандниг «А» — «Л» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда берилсин:

а) СССР фуқароларига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган хорижий паспортлар бериш ёки ушбу паспортларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 1000 сўм

б) СССР фуқаросининг паспортига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган қўшимча варақ бериш ёки варақнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 200 сўм

в) фуқаролиги бўлмаган шахсга чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бериш ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 200 сўм

г) СССРдан кетиш учун хорижий паспортга ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатга рухсатнома бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва фуқаролиги бўлмаган шахсга кетишга рухсатнома бериш учун 50 сўм

д) хорижий паспортга ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатга СССРдан кетиш ва айни вақтда СССРга келишга рухсатнома бериш ёки ушбу рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 100сўм

е) СССРдан кетиш ва СССРга келиш учун илгари берилган ҳужжатларга қандайдир ўзгаришлар (амал қилиш муддатини узайтиришдан ташқари) киритиш учун 50 сўм

ж) СССР фуқароларига, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган кишиларга СССРга таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун 50 сўм

з) хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга шу ерда яшашга рухсат бериш ёки бундай рухсатнома муддатини узайтириш, хорижий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш учун 50 сўм

и) хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга йўқотилган рухсатнома ўрнига шу ерда яшашга рухсатнома бериш учун 50 сўм

к) СССР фуқаролигига қабул қилиш ёки СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан 500 сўм

л) йўқотилган хорижий паспортларни ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни, СССР фуқароси паспортига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган қўшимча варақ ёки СССРга таклиф этиш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун мазкур бандниг «А», «Д» ва «Ж» кичик бандларида кўрсатилган миқдорга мувофиқ;

5-банд қуйидаги мазмундаги изоҳлар билан тўлдирилсин:

«Изоҳлар. 1. Фуқароларнинг СССРдан кетиш ва СССРга келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ёки СССРга келиш тўғрисидаги таклифномаларни муддатидан илгари расмийлаштириш ёхуд мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризаларни бўлган тақдирда давлат божининг миқдори 50 фоиз кўпаяди.

2. Қуйидаги ҳолларда давлат божининг миқдори 50 фоиз камаяди:

а) Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, СССРни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа ҳарбий операцияларда ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматини ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда собиқ партизанларга хорижий паспортлар, уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар бериш, шунингдек СССР фуқароси паспортига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган қўшимча варақ бериш ёхуд мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун;

б) 16 ёшгача бўлган болаларга чет элга кетиш ҳуқуқини берувчи хорижий паспорт беришда.

3. Чет элларда ва СССР ҳудудида бажариладиган консуллик ҳаракатлари учун СССР консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ консуллик йиғимлари олинади. Консуллик йиғимлари тарифини СССР Ташқи ишлар вазирлиги амалдаги қонунларга асосан СССР Молия вазирлиги билан келишиб белгилайди.

2 Қарор 1991 йил 1 июлдан кучга киритилган.

Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

ИЗЛАНГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

Яқин-яқингача ҳам республикамизнинг чекка қишлоқларида табиий газ ҳақида гап кетгудек бўлса, одамларнинг юрагида оғриқ пайдо бўларди. Шундоққина ёнларидан газ қувури ўтганига қарамай, кўпчилик шох-шабба, ўтин ёқиб кун кечирарди. Яхшиямки, ошкоралик замони бор экан ҳамма нарса ўз номи билан атала бошланди. Қишлоқ турмушига суст муносабат барҳам топди. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг ижтимоий соҳага бўлган эҳтиёжларини қондиришга эътибор кучайди. Айниқса, бу соҳада республика ҳукумати раҳбарларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги фармони ана шу улуғ ишларни юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Тўғри, энидан тортсанг бўйига етмайдиган даврда фармоннинг ижросини таъминлаш осон кечаётгани йўқ. Таъминотчиларнинг сустлиги, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги оёққа тушов бўлмоқда. Қувурлар кун сайин тақчиллашиб бораяпти. Иқтисодий танглик ҳамма соҳада катта қийинчиликларни келтириб чиқараётганига қарамай Андижон вилоятида хонадонларни газлаштириш бўйича қутлуғ ишлар амалга оширилмоқда. Фармонга мувофиқ 1990-1992 йилларда вилоятда 800 километрга газ қувури тортиш, 30 минг турар жойни газлаштириш кўзда тутилган. Хўш, амалда бу ишлар қандай бажарилмоқда?

Вилоятда шу кунга қадар газ тармоғи 250 километрга узайтирилди, 6,2 минг хонадонга «зангори олов» кириб борди. Бошқачароқ қилиб айтганда, режа 232 фоизга уддаланди. Кичик сиғимли газ қувурларининг етишмаётгани, газ ўчоқлари, иситиш қозонлари, тақсимлагичларнинг камёблиги ишни орқага сурмаганда, натижалар салмоғи янада ортган бўларди. Шундай бўлсада Андижонда шу йилнинг охирига қадар яна 242 километрга газ қувурини тортиш, 15 минг хонадонни «зангори олов» билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Район советлари, ижроқўмлар жойларда ишнинг боришини қаттиқ назорат остига олишган. Ютуқ ва нуқсонлар ўз вақтида ўрганилиб, таҳлил этиб борилаяпти.

Амалдаги йилнинг дастлабки чорагида «Ўзбекгазстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси 1000 ўрнига атиги 408 хонадонни газлаштирди, холос. Улардан қолоқликнинг боисини сўрасангиз турли баҳонани рўкач қилишдан нарига ўтишмайди. Тўғри, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги бор гап. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да. Қолаверса ҳозир сукунат сақлашнинг мавриди эмас.

Москва районида ҳам бу борадаги ишларни яхши деб бўлмайди. Қизиғи шундаки, айрим жамоа хўжаликларидаги турар жойларнинг яқинидан газ қувурлари ўтказилганига қарамай, хонадонлар газлаштирилмаган. «Октябрь» жамоа хўжалигида 3,5 километр узунликдаги газ қувурлари ишлаб турганини эшитиб, бир оз бўлса-да кўнглингиз таскин топади. Аммо кейинчалик беҳуда шодланганингизга иқрор бўласиз. Негаки, хўжаликдаги 1397 хонадоннинг фақатгина 15 тасида «зангори олов» ёнаяпти холос. Ўтган йили 2 километр масофада қурилиб фойдаланишга топширилган қувурларнинг биронтаси ҳам хонадонларга уланмагани йўқ.

«Ленинизм» жамоа хўжалигида бўлсангиз, тепа сочингиз тикка бўлади. Колхозчилар олти километр масофага газ олиб келинганида энди умидимиз рўёбга чиқди деб ўйлашганди. Фақатгина 19 хонадонга газ уланганидан кейин улар бекорга қувонишганига ишонишди. Мутасаддиларнинг бўш баёвлиги, ишнинг кўзини билмаслиги қимматга тушаяпти.

Изланган киши имконият топади. Ҳозир вилоятнинг кўпгина қишлоқларида ташкилотчилар халқ ишини енгил қилиш учун тиним билмай ишлашмоқда. Ленин районидаги «Правда Востока», Ленин номли, Избоскан районидаги А. Тиллабоев номли, «Ленинград» жамоа хўжаликларида, Андижон районидаги «Известия» давлат хўжалигида, шунингдек, кўплаб муассасаларда ишбилармон кишилар одамларга камарбаста бўлишмоқда. «Зангори олов»нинг жиловини қишлоқ аҳлига тутқазишаётир. Шубҳасиз, камчилик ва нуқсонлар соя солмаслиги керак. Жамоа, давлат хўжаликлари раҳбарлари, масъул мутасаддилар вақтни ғанимат билиб, ишни жадаллаштиришлари зарур. Элнинг дили, тилидаги фармоннинг ижроси учун ҳамма бутун куч-ғайратини сарфлаши лозим.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон—Ҳиндистон дўстлиги

Ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга 1956 йилдан фаолият кўрсата бошлаган Тошкентдаги 24-мактаб жамоаси салмоқли ҳисса қўшаётир.

БУ ЕРДА ҲИНД ТИЛИ ЎРГАТИЛАДИ

Бу ерда 1.800 ўқувчи таълим олади. 1979 йилда мактабда Лаъл Баҳодур Шастри ҳайкали очилди ва илм даргоҳига унинг номи берилди. Ҳинд халқининг қатор сиёсий арбоблари, олимлари ва санъаткорлари, жумладан Раж Капурнинг дил сўзлари битилган дафтар, айниқса, қадрлидир. Ушбу мактаб ўқувчилари узоқ йиллардан бери ҳиндистонлик тенгдошлари билан хат ёзишади. Бҳопал штатида ана шу мактублар тўпланиб, китоб қилиб чиқарилди.

Хорижий меҳмонлар, айниқса, ҳиндлар бу ерга тез-тез келиб туришади. Улар ўқувчилар ижросидаги ҳинд қўшиқ ва рақсларини, «Ҳиндистоннинг бугунги куни» кўргазмасини қизиқиб томоша қиладилар.

Ҳинд халқининг урф-одати, миллий санъати ҳақида ўқувчиларга кенг маълумот бериб борилмоқда. Дўстларимизнинг буюк ўғлонлари ҳаётини, шоир, ёзувчилар ижодини ўрганишга катта эътибор берилаяпти.

Яқинда ўқитувчилардан Ҳамроой Ҳакимова, Феруза хон Қаландаровалар Ҳиндистонга боришиб, ўз касбдошлари билан учрашдилар. У ердан кўргазмали ўқув қуроллари, дарсликлар, жуғрофия хариталарини олиб келдилар. «Учрашувлар чоғида ҳинд фарзандлари ўзбекистонлик тенгдошлари ҳаётидан яхши хабардорлиги бизни қувонтирди. Демак қилаётган ҳайрли ишларимиз ўз самарасини бераётган экан», — дейишди улар.

— Бизда ҳинд тилини ўқитиш бўйича дарсликлар етишмайди, — дейди мактаб директори Жамолиддин Низомов. —Тўғри ҳинд тиниш хусусида ўтказилган йиғилишда бу ҳақда гапириб, Тошкент давлат дорилфунуни босмахонасида ҳинд, урду, араб, хитой, форс тиллари бўйича дарслик ва қўлланмалар чиқариш тўғрисида келишиб олинган эди. Афсуски, бу иш ҳанузгача пайсалга солиб келинмоқда...

Чет эллар билан янада кенг алоқалар ўрнатиш талаб этилаётган ҳозирги даврда тил билиш муҳим ўрин эгаллайди. Эндиликда республиканинг ҳар бир районида ана шундай мактаблар очилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

М. НАЗАР.

СУРАТЛАРДА: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Наҳотки гап унвонда бўлса?

Ойнаи жаҳон кўрсатувларидан энсам қотган кун Соат Шарипов билан гурунглашишни кўнглимга тугиб қўювдим. Гўё телевизорда тузукроқ, завқланиб томоша қиладиган кўрсатув бўлмаётганига у гуноҳкор эди. Шукурки, у билан оворагарсонсиз боғландим. Табиатан хушчақчақ бу танти кишини ўз ишига меҳри бунчалик экан деб ўйламаган эдим. Тағин денг суҳбатдошим мендан-да гардон экан, дарров «улоқни» илиб кетди.

Яхшиси, шу суҳбатнинг «қаймоғи»ни ҳукмингизга ҳавола қила қолай:

— Кўпчилик, айниқса, ёшлар сиёсатдан, бесамар ваъдалардан чарчашди. Ҳозир халқ яхши ҳордиққа, завқланишга ташна. Мана шундай вазиятда сиз элга имкониятингиз даражасида хизмат қила олаяпсизми?

— Ишқилиб қўлимдан келгунча уринаяпман. Аммо, биласизми, бу саволга мен жавоб берсам нокамтарлик бўлмайдими?

— Кўнглингизга олманг-у «Иқбол», «Қувноқлар ва зукколар» каби теледастурларингиз марказий ойнан жаҳондаги кўрсатувларга ўхшаш бўлиб қолаяпти...

— Гапингизда жон бор. Лекин баъзан яхши тақлидлар ҳам керак экан. «Иқбол», «Қувноқлар ва зукколар» кўрсатувларим экран юзини кўриши биланоқ, республикада оммавийлашиб кетди. Масалан, районларга, олис қишлоқларга борсангиз, ёшларнинг дам олиш кечаларида бизникига ўхшаш тадбирлар ўтказаётганининг гувоҳи бўласиз.

— Жойлардаги камчиликларни ҳажв йўли билан танқид қилишда «зукко қувноқларингизнинг олдига тушадиган кам. Лекин негадир бир йилдан буён улар экранда кўринмай қолишди?

— Афсуски бунинг менга боғлиқлик жойи йўқ...

— Айтайлик, яна ташкил этишса...

— Э-э, йўқ, энди аралашмайман.

— Нега?

— Чарчадим. Йигирмадан ортиқ кўрсатув тайёрлаган бўлсам, ҳар сафар мағлуб командаларнинг аъзолари мендан норози бўлиб кетишди. Ҳатто, шу кўрсатувни деб ўзим таҳсил олган Театр ва рассомчилик институтидагилар билан тескари бўлиб қолдим ҳам. Томошабинлар эса бу ёқдаги машмашалардан бехабар, улар тайёрини кўришади-да. Эфирга қадар бўладиган қийинчиликларни можароларни эса...

— Сунъий қийинчиликлар биз мухбирлар учун ҳам бегона эмас. Майли, буларни қўя верайлик, эшитишимга қараганда, «Чархпалак» деган янги кўрсатув ташкил қилибсиз!

— Шундай. Журналистлар Аброр Имомхўжаев ва Рустам Шожалилов билан ҳамкорликда.

— Бунақаси Москвада ҳам бор, шекилли!

— Бор, лекин бошқачароқ.

— Дарвоқе, бундан ўн-ўн беш йил бурун сиз тузуккина хонанда ҳам эдингиз...

— Қўшиқ айтмасам ё биров билан ҳазиллашмасам, портлаб кетаман. Лекин кўрсатувларнинг муаллифи, даврабошиси бўлатуриб, қўшиқ ҳам айтишим... баъзиларга ёқмаяпти. Шундай бўлгач, начора.

— Музикали кўрсатувларда қатнашсангиз-чи!

— Таклиф қилишмаса, ўзимдан-ўзим боравермайман-ку.

— Қарийб йигирма йилдирки, эл ичидасиз. Учрашувлар, концертлар... Мухлисларингиз сиздан унвон ҳақида ҳам сўрашадими!

— Албатта-да. Бу ҳар бир санъаткорга бериладиган оддийгина савол.

— Айниқса унвонсизларга!

— Наҳотки гап унвонда бўлса?.. Баҳорда лолалар очилиб, ўриклар гуллайди, фурсат етгач, мевалар пишади. Шунга ўхшаб, ҳар бир санъаткорнинг ҳам унвонга тавсия этиладиган вақти бор. Аслида, сиз билан суҳбатлашиб ўтиришимнинг ўзи қайси унвондан кам? Одамлар мендан нафақат унвоним ҳақида, бошқа нарсалар, масалан, сизларнинг «Халқ сўзи» рўзномангиз «Союзпечать» дўконларида нега камлиги хусусида ҳам сўрашади.

— Насиб бўлса келгуси йил кўпайиб қолади. Тағин бир савол: сиз олқиш билан танқиднинг ўртасида яшаб, ижод қилиб келаяпсиз. Танқид ижодингизга таъсир қилмайдими!

— Ҳар нарсанинг сарагию пучаги бўлади. Самимий танқидга ҳамиша тайёрман, ижодкор учун бундан-да одилроқ кўзгу йўқ. Аммо олдиндан келишилган, масхарали танқиддан энсам қотади.

— Оилангиз тўғрисида ҳам икки оғиз тўхталсангиз!

— Оиламиз яхши...

— Шугинами!

— Ўзингиз икки оғиз дедингиз-ку?

— Майли келинг, батафсилроқ гапирга қолинг.

— Унда хотиним десамми, рафиқам десамми, Гулсара Шарипова Юнус Ражабий номидаги республика мусиқа билим юртида ишлайди. Уч фарзандимиз бор...

— Улар ҳам сиздек қувноқми!

— Мендан ҳам ўтишади. Ҳаммаси ўт-олов!

— Ерга урса кўкка сапчийди, денг.

— Тоғдингиз! Кулиб турганингиздан маълумки, охирги саволингизни беролмаяпсиз. Тортинмасдан айтаверинг, нега исмингиз Соат деб сўрамоқчисиз, тўғримми?

— Экстрасенс бўп кетинг-е!

— Онамнинг айтишларига қарағанда, гўдаклигимда йиғлоқи бўлган эканман. Лоф эмас, мен бор жойда қўнғироқли соатга ҳожат қолмас, ҳаммани йиғи билан уйғотарканман...

Суҳбатдош: **Тоҳир ДОЛИ.**

ўғли.

БОЛАЛАР ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

Тошкентдаги ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бирига қарашли «Эльбрус» кашшофлар лагери бугун жуда гавжум. Орол бўйидаги экологик хавфли зонадан икки юз нафар бола бу ерга келди.

Республика Қизил ярим ой жамияти яна бир меҳрмурувват тадбирини ўтказди. Жамият 400 сўмликдан ошиқ бўлган путёвкаларнинг пулини касаба уюшмалари билан бирга тўлади.

— Болалар Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, вилоятларидан келишган, — дейди жамият ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Р. И. Самигулина. — Улар лагерда дам олиш билан бирга даволанишади. Қизил ярим ой жамияти бир гуруҳ болаларнинг Австрияда ва халқаро болалар лагери «Артек»да дам олиш учун маблағ ажратди.

(ЎзТАГ).

ЭРКАБОЕВНИНГ «200 КУНИ»

ТОШКЕНТДА МАҲАЛЛИЙ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ТАРТИБ ЎРНАТИШГА ДОИР НОЁБ ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Чимкент йўли ДАИ пости жойлашган қисмида ярим кечадагина ҳаракат тўхтади, ҳолдан тойган навбатчилар эрталабки тиғиз ҳаракат бошланишидан олдин бир пиёла ачиқ чой ичиб бироз ҳордиқ чиқариш учун мўъжазгина хонага тўпландилар. Шу тобда бирдан эшик тақиллади. Хаёлига ҳеч бир шубҳали нарса келмаган старшина ким тақиллатганини билиш учун ташқарига чиқди. Шу дақиқада Тошкент четида тонг сукунатини отилган тўппонча товуши бузди.

Отишма юз берган жойга етиб келган милициянинг кучайтирилган нарядлари (уларни ўқ овозидан уйғониб кетган шу атрофдаги уйларда яшовчилар чақиришган эди) ДАИ уч инспекторининг қонга беланган жасадини топди. Тревога билан оёққа турган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бир неча соатдан кейингина қотиллар изига тушди. Улар қўшни минтақалардан келган одамлар эди. Соқчиларнинг қуролларига эга бўлиш учун улардан ваҳшиёна ўч олдилар, бу қуроллардан кейинги «ишларда» фойдаланмоқчи эдилар. Бахтимизга, бунга муваффақ бўлишмади, чунки ашаддий жиноятчилар бир неча кундан сўнг қўлга олинди.

Чимкент йўлидаги фожиада Тошкент давлат автоинспекцияси сўнгги йилларда энг кўп жудоликка учради, афсуски бу сўнггиси эмасди. Жиноятчилар ўзлари олиб қочган автомашинада таъқибдан қочиб қутилмоқчи бўлишганда уларнинг йўлини тўсган соқчи ҳам ҳалок бўлди. Яқиндагина янги «Жигули»ни учта пост ёнидан ўқдек отилиб ўтди ва гавжум жойга яқинлашиб қолди. Даҳшатдан эс-ҳушини йўқотиб қўйган жиноятчининг йўлини таёқ ушлаган ёш сержант сўнгги дақиқаларда тўсмаганида эди, оқибати жуда даҳшатли бўларди. Сержант ўз ҳаётини қурбон қилиб, кўп йўловчиларни ўлим даҳшатидан сақлаб қолди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Сўнгги вақтда кўп жиноятларда автомобиль транспортидан фойдаланилмоқда, бинобарин ДАИ ходимлари беихтиёр жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасига чиқиб қолдилар. Қизил чироқ қа қарамай ўтиб кетиш, тезликни ошириш, йўл ҳаракати қоидаларини ўта қўпол равишда бузишлар оддий ҳодиса бўлиб қолди. Автомобилларни кўплаб ўғирлаб кетиш ва кейинчалик катта пул эвазига эгаларига қайтариб бериш автомотоҳаваскорлар учун ҳақиқий кулфатга айланди. Машиналарни олиб қочувчилардан энг пухта сигналлар ҳам, қулфлар ҳам машинани асраб қололмайди. Энг даҳшатлиси шундаки, кўчаларда ва йўлларда юзлаб одамларнинг ёстиғи қуриди, минглаб одамлар мажруҳ бўлиб қолди.

Вазиятни ўзгартиришга ҳеч ким уриниб кўрмади, дейиш нотўғри бўлур эди. Рейдлар, кўриклар мунтазам ўтказилди, пост инспекторлари, ДАИ патрул машиналари сони мунтазам кўпайтирилди. Лекин вазият яна эски изга тушаверди.

Янгича чоралар кўриш талаб қилинарди. Тошкент ДАИ бошқармасининг янги бошлиғи Аҳмаджон Эркабоев шундай чораларни таклиф қилди, у икки юз кунга мўлжалланган ва худди шунча банддан иборат дастурни ишлаб чиқди. Эркабоев эса янги лавозимда ўз фаолиятини кутилмаган тусда бошлади: шахсий составнинг тўртдан бир қисмини ҳар куни вақтни йўлларда эмас, балки спорт залида ўтказишга мажбур қилди. Сўнгра аттестация бошланди. Бунинг оқибатида айрим ходимлар ишдан бўшатилди.

— Бизнинг ишимизда фақат моҳир кишилар ишлаши керак, — деб тушунтиради Аҳмаджон Эркабоевич.

Фарғона фожиаси кунларида тревога билан биринчи гуруҳ таркибида ўша ерга борганида ўқувчиларнинг қандай ҳаракат қилишини кўп кўрган эди. Ўша кунлардан хотира сифатида фотосурат қолган, суратда у ўша вақтдаги майор СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари қўмондони генерал-полковник Шаталин билан турибди, кези келганда қўмондон Аҳмаджоннинг командирлик фазилатларини алоҳида таъкидлаганини айтиб ўтиш керак.

Эркабоев дастурининг янгилиги шундаки, унда йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши учун кураш йўлларнинг аҳволи, транспортнинг техникавий ҳолати билан ўзаро боғлиқ қилиб қўйилган. ДАИ фаолияти учун бошқа мезонлар ҳам жорий этилмоқда.

— Биз ялпи кўрсаткич учун ишлар эдик, бу эса кўпинча қўшиб ёзиш, йўл қоидалари бузилганлигини тўқиб чиқаришга мажбур қиларди, — дейди Эркабоев. — Бундай шароитда нопок кишилар ўзларини эркин ҳис этишарди. Энди эса ишга энг муҳим кўрсаткичга қараб баҳо берилади. Бу — маст ҳолда машина бошқараётган ҳайдовчиларни, темир йўл билан кесишган жойлардан ўтиш қоидаларини бузувчиларни транспортни давлат белгиларисиз ҳайдовчилар ва бошқаларни аниқлашдир. Санаб ўтилган қондабузарликнинг бирортасини ҳам тўқиб чиқариб бўлмайди, чунки қоидани бузган аниқ одам, гувоҳ, экспертиза бўлиши керак.

Яқинда ташкил этилган ҳаракат ҳавфсизлиги жамғармаси тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Тошкентдаги саноат корхоналари ва кооперативлар бу жамғармага хомийлик қилмоқдалар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ махсус ҳисоб варақасига 200 минг сўмдан ортиқ пул ўтказдилар. Маблағнинг асосий қисми йўлларни, чорраҳаларни техникавий жиҳозлашга, давлат автоинспекциясининг ўзига, махсус техника, алкометрлар сотиб олишга сарфланади.

Ҳайдаб қочилаётган транспортни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган «Пеленг» тизимини барпо этиш тугалланай деб қолди. Машинани ҳайдаб қочиш ва бошқа жиноятларга қарши қурашадиган махсус бўлинмалар ташкил этилди. Ходимлар талабчанлик билан танлаб олингандан сўнг қўл жанги, қуролни ишлатиш, шошилинч мудофаа, кўлга тушириш усулларига ўргатилди. Йил бошидан буён махсус бўлинма машинани ҳайдаб қочгани учун бир неча ўн кишини ушлади. Чунончи, ҳайдовчи асабини фалаж қилувчи газ билан ганг қилиб қўйган номаълум кишилар бир кечакундузда топилди. Таҳлил этиш йўли билан шаҳарнинг энг хатарли районлари аниқланди ва назорат қилинмоқда, машиналарни ҳайдаб қочиш сони фараз қилинмоқда. Ўғирланган машиналар қисмларга ажратилиб ташланадиган қувурларнинг биронтаси ҳам хонадонларга уланмагани йўқ.

«Ленинизм» жамоа хўжалигида бўлсангиз, тепа сочингиз тикка бўлади. Колхозчилар олти километр масофага газ олиб келинганида энди умидимиз рўёбга чиқди деб ўйлашганди. Фақатгина 19 хонадонга газ уланганидан кейин улар бекорга қувонишганига ишонишди. Мутасаддиларнинг бўш баёвлиги, ишнинг кўзини билмаслиги қимматга тушаяпти.

Изланган киши имконият топади. Ҳозир вилоятнинг кўпгина қишлоқларида ташкилотчилар халқ ишини енгил қилиш учун тиним билмай ишлашмоқда. Ленин районидаги «Правда Востока», Ленин номли, Избоскан районидаги А. Тиллабоев номли, «Ленинград» жамоа хўжаликларида, Андижон районидаги «Известия» давлат хўжалигида, шунингдек, кўплаб муассасаларда ишбилармон кишилар одамларга камарбаста бўлишмоқда. «Зангори олов»нинг жиловини қишлоқ аҳлига тутқазишаётир. Шубҳасиз, камчилик ва нуқсонлар соя солмаслиги керак. Жамоа, давлат хўжаликлари раҳбарлари, масъул мутасаддилар вақтни ғанимат билиб, ишни жадаллаштиришлари зарур. Элнинг дили, тилидаги фармоннинг ижроси учун ҳамма бутун куч-ғайратини сарфлаши лозим.

...Автотранспорт воситаларини ҳайдаб қочганлиги, ҳайдовчи ҳужжатлари ва номер белгиларисиз машинани бошқарганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги таклифларни қонун чиқарувчи органларга тақдим этиш Аҳмаджон Эркабоев дастуридаги бандлардан бири эди. Республика парламенти анча муддат қамоқ жазоси беришни, катта жарима солишни кўзда тутувчи қонун қабул қилди, лекин биздаги одатга кўра бу қонунни қўлланиш воситалари эътибордан четда қолди. Натижада қонун ҳужжатининг фойдаси сезилмаяпти.

Тошкент кўчлари бўйлаб сафаримиз давом этади.

Ҳужжатларни текшириш учун тўхтатилган «Волга» ГАЗ-24 машинасининг мотори ўғирлаб олинганлиги маълум бўлади. Бу ҳабардан ҳайратга тушган ҳайдовчи қариндошларининкига бориш ўрнига ўз машинасига йўловчи тарзида ўтириб ўзга томонга жўнашга мажбур бўлади. Шу пайтда яқинроқ жойда тўхтаган «Москвич» машинаси олдида қизиқ воқеа содир бўлади. «Адидас» фирмаси ишлаб чиқарган спорт костюмидаги бу олифта ҳайдовчидан спирт ҳиди анқирди. Лекин у гандираклагани йўқ, алкометрга пуфлашдан бош тортади ва ёш инспекторга «келишиш»ни таклиф этади. «Майли, кетдик чойхонага, — инспектор тўсатдан рози бўлади. — Фақат машинани мен бошқараман.

— Бор экансизку, — деб ҳурсанд бўлади ҳайдовчи осонликча қутилаётганидан.

Орқа ўриндиққа яна бир милиционер ўтиради ва «Москвич» гуриллаб жўнаб кетади. Жамол Жалолович ҳайрон бўлиб турганимни кўриб тушунтирди:

— «Чойхонага бориш» ДАИ ходимлари тилида «экспертизага юбориш» дегани. Бундай бақувват йигитни кўндириш осон дейсизми. У ерда эса бутунлай бошқа жойга бориб қолганини кўргач жуда мулойим бўлиб қолади.

Яна бир соатдан сўнг ҳаракат деярли тўхтайди, биз эркин ҳаракат қилиб излашга ўтамиз. Тўсатдан машинада диспетчернинг ҳаяжонли овози янграйди:

— Оқ тусдаги «ноль олти» Энгельс кўчасидан айланма йўл томон катта тезликда кетаяпти...

Биз бу машинани қаерда қўлга туширишимиз мумкинлигини ўйлашимга улгурмай Дадажонов машина тезлигини соатига 140 километрга етказди. Бир неча минутдан сўнг биз ўша оқ машинани кўрдик. Яна бир неча дақиқадан сўнг автомобиль йўлга кўндаланг бўлиб тўхтади. Оқ рангдаги «ноль олти» эса орада бир метр қолганда тўхтади. Унда икки киши бор, иккаласи ҳам олдинги ўриндиқда ўтиришибди, улардан бири ички чўнтагига қўл солди, мен бирдан шу яқин жойда Чимкент йўлида юз берган ўша фожиани эсладим. Агар нотаниш ўқ отмоқчи бўлса, мен унинг рўпарасида турибман. Бирдан нотанишлар бараварига табассум қилишди, улардан бири жиноят қидирув бўлими ҳодими гувоҳномасини кўрсатиб, йигитлар, чакки ишламаяпсизлар, дегандек бош бармоғини кўрсатди.

— Ўзимизникилар экан, — деб ҳабар қилди микрофонга Жамол Жалолович ва менга қараб қўшиб қўйди: агар сиз қарши бўлмасангиз бугунга етар?

Қўп йиллар давомида биринчи марта республика пойтахтида йўл—транспорт ҳодисалари уч ойлик маълумотларида «олув» белгиси қўйилмоқда. Утган йилга нисбатан бундай ҳодисалар анча камайди. Бошқа рақамлар ҳам чакки эмас: автомобиль инспекторлари йўлтўсарлик ва талончилик, давлат ва шахсий мулкни ўғирлаганлик учун ўнлаб одамларни ушладилар. Бундан атиги бир йил олдин бирорта ҳам бундай воқеа бўлмаган эди.

Дастурни амалга оширишнинг дастлабки натижалари ана шундай.

Яқинда ҳам Тошкент давлат автоинспекциясида бўш турган лавозимлар кўп эди. Ҳозир эса бу хизматга ўтиш учун қаттиқ танловга бардош беришга тўғри келади. Инспекторларнинг юзида ҳамиша уларга хос бўлган журъатсизлик қолмади, машинани бошқариб бораётган ҳар қандай барзанги ҳам уларни чўчита олмайди. Уларга қараб туриб, жиноятчилик унчалик қудратли эмаслигига ишонч ҳосил қиласан киши.

В. БИРЮКОВ,
«Труд» махсус мухбири Тошкент.
(«Труд» газетасининг 1991 йил 31 июль сонидан).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ПЕКИН, 31 июль. (ТАСС мухбири Павел Спирин). Хитой суди ХХР тарихида мисли сиз сув тошқини юз берган районлардаги жиноятчиликка шиддатли ва қақшатқич зарба бермоқда. Олий халқ суди қуйи босқичдаги судлардан табиий офат юз берган районларда «аксилинқилобий мақсадларни» кўзлаб, «халқни чалғитувчи миш-мишлар тарқатаётган, шунингдек турли жиноий-қўпорувчилик ишларини амалга ошираётган» шахсларга нисбатан аксилинқилобий фаолиятга донр моддани қўлланишни талаб қилди. Шу билан бир вақтда моддий ва молиявий ёрдамни ўғирлаш, шахсий ва жамоат мулкини ўғирлаш, номусга тегиш, электр энергия ва алоқа воситаларини ўғирлаш билан боғлиқ ишлар юзасидан ҳукм чиқаришни тезлаштириш зарур. Бу топшириқни бажариш учун табиий офатдан зарарланган районларга малакали хитой ҳуқуқшуносларни юборилмоқда. Суд мажлисларни очиқ ўтказилади ва суд чиқарган ҳукмлар ҳаммага эшиттирилади, деб ёзади «Жэньминь жибао» газетаси.

●

Сан-Франциско, 31 июль. (ТАСС мухбири Дмитрий Шишков). Стратегик ҳужум қуролларини қисқартиш тўғрисида Москвада имзоланадиган шартнома ядро уруши хавфи келиб чиқиши хавфини анча камайтиради. Америка Қўшма Штатларидаги энг катта «Эн-би-си» телекомпанияси билан «Уолл-стрит жорнэл» рўзномаси ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш тадбири қатнашчиларининг деярли учдан икки қисми шундай фикрдадир. Савол-жавобда қатнашганларнинг 86 фонзи мазкур шартнома Америка-Совет муносабатларини яхшилашга олиб келади, деган фикрни айтди.

Савол-жавоб қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи, деб хабар қилди Эн-Би-Си телекомпанияси, Қўшма Штатлар Совет иқтисодиётига ёрдам беришн керак, деб ҳисобламоқда. Айни вақтда сўралган кишиларнинг қарийб 30 фонзи бунга қарши жавоб берди. Телекомпаниянинг фикрига қараганда, Совет Иттифоқи билан стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ҳақидаги шартномани тузиш чоғида унга ишонч тўғрисидаги масалага муносабат «совуқ уруш» даври ҳали бутунлай унутилмаганидан далолат беради. Шундай қилиб, савол-жавобда қатнашган кишиларнинг 50 фонзи ишонч тўғрисидаги масалага ижобий жавоб берди, бироқ америкаликларнинг 40 фонзи, «йўқ» деган жавобни берди.

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ҚАРДОШИНГ ЭМАС УЛКИ, ҚУЮБ БОШ САНГА,
ДАВЛАТ ЧОҒИ ҚИЛҒАЙ УЗНИ ҚУЛДОШ САНГА,
КИМ ҚИЛДИ, ҚАТИҒЛИҒДА ВАФО ФОШ САНГА,
УЛ БУЛДИ ҲАҚИҚАТ ИЧРА ҚАРДОШ САНГА.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ТАВАЛЛУДИНИНГ 350 ЙИЛЛИГИГА

ШОИР ҲАҚИДА МУСИҚИЙ ФИЛЬМ

Оташзабон шоир Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин тусга кирмоқда. Жумҳуриятимиз ижод аҳли ишқ ва муҳаббат куйчиси, халқ орасида шоҳ Машраб деб ном таратган бу улуғ инсон тўйига муносиб туҳфалар ҳозирлашга ҳаракат қилмоқдалар. Наманган вилоятида жумҳурият телевидениесининг бир гуруҳ ижодкорлари шоир ҳақида ҳикоя қилувчи мусиқий телефильмни суратга олишни тугалладилар.

Мазкур телефильм драматург Азиз Турсуновнинг Алишер Навоий номли вилоят мусиқий драма ва комедия театрида саҳналаштирилган «Бобораҳим Машраб» спектакли асосида яратилди. «Ўзбектелефильм» студияси режиссёри Шуҳрат Бизатов, тасвирчи Рашид Хўжаев, рассом Аъло Ғаниев ва овоз созловчи Роза Ҳакимовалар суратга олган «Машрабни куйлаб» телефильмида шоирнинг эл орасида машҳур ва манзур ғазаллари асосида яратилган қўшиқлар янграйди. Қўшиқларни Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, жумҳурият халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Орифхон Хотамов, Олмахон Ҳайитова, хонанда Мамат Каримов ва бошқалар ижро этганлар. Шунингдек, телефильмда Ўзбекистон ойнаи жаҳони «Тановар» ва Наманган шаҳар маданият бўлимининг фольклор дасталари ҳам иштирок этади.

Телефильмда Машрабнинг ёшлиги ролини вилоят театрининг ёш актёри Мирзаабдулла Раҳмонов ижро этган. Машраб ролида иқтидорли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев суратга тушди. Театрнинг етакчи санъаткорлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Турдиали Сайдуллаев, Маърифат Қорабоева, Маҳмуджон Исомиддинов ва бошқалар ҳам қаҳрамонлар қиёфасида намоён бўладилар.

Фильм Наманган ва Косонсой шаҳарларининг тарихий-манзарали жойларида, Балиққўл ва Наманган шаҳридаги Темирйўлчилар оромгоҳларида, Мулла Қирғиз архитектура обидасида ва вилоят театри саҳнасида суратга олинди. Телефильм Машраб юбилейи кунларида ойнаи жаҳонга чиқарилади.

Раҳимжон ТУРДИАЛИ ўғли.



САМАРҚАНД вилоятининг хушманзара Оғалиқ дарасида жойлашган хўжаликлараро санаторий-профилакторийда йилига бир ярим мингдан зиёд нафақахўрлар, колхозчилар саломатликларини мустаҳкамлайдиган бўлдилар. Ҳакимлар юрак, сурункали ўпка касалликлари ва бошқа хасталикларни тоғ ҳавоси, даволаш машғулотлари, электр қуввати, балчиқ, минерал сув ёрдамида даволашга ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТДА: Санаторийнинг қулай котежлари.

Р. ҒОФУРОВ олган сурат.

ШИФОКОРЛАР СИНОВИ

Ниҳоят, ҳаёт синовлари, турмуш ташвишлари нима эканлигини ҳис қила бошладик. Бозор иқтисодиёти олдимизга қатор масалаларни кўндаланг қўйди. Улар орасида уддабуронлик, тадбиркорлик билан иш юритишдан тортиб, одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби муҳим вазифалар бор. Буларни ҳал қилиш бизнинг бундан буён қандай фаолият кўрсатишимизга, имкониятларимизни қай даражада юзага чиқара олишимизга боғлиқ. Айни кунларда тошкентлик шифокорлар бу юксак масъулиятни чуқур ҳис этиб туришибди. Одамлар соғлигини муҳофаза қилиш, эл саломатлигини сақлаш уларнинг юксак бурчига айланиб бораяпти.

— Айни пайтда шифокорларимизни муҳим синовдан ўтказаяпмиз, — дейди Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар совети ижроия комитети Соғликни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, республика халқ депутати Қулаҳмад Ризаев. — Бошқармамизга қарашли барча тиббий муассасаларда ишни фойдали томонга ўзгартиришнинг шундай мақбул йўлини топдик. Аслида, кадрлар тақчиллиги сезилаётган пайтда бу иш кишига қизиқ туюлиши мумкин. Аммо одамларнинг лаёқатини аниқлаб олиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бу галги синовдан мақсад тиббиёт ходимларининг билимларини ва касб маҳоратларини чиғириқдан ўтказиш эмас, балки тиббиёт фани ва амалиётининг юксалишига улар қўшаётган ҳиссани ҳам аниқлашдан иборат. Тиббиёт фанининг янги ютуқлари эвазига ўз билимини, малакасини, тажрибасини бойитиб бораётган, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилаётган фидоий шифокорларимиз энди алоҳида қадр топадилар. Синовдан сўнг уларнинг иш ҳақи бир неча ўн фоиз оширилади. Шу тарзда биз мутахассисларимизни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги йўлларини қўллаб борамиз.

Бошқармада аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтаришга доир муҳим чоралар кўрилаяпти. Яқин бир ойнинг ичида саксон фоиз шифокор синовдан ўтди. Бу иш икки босқичда: раҳбарлар ва ходимлар ўртасида олиб борилди. Унга Тошкент шаҳридаги ҳар бир районнинг партия, совет, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам таклиф этилдилар. Уларнинг ҳар бири кимнинг нимага қодирлигига холис баҳо бердилар. Шифокорнинг ўз ишига яроқли эканлиги ёки яроқсизлиги комиссия билан улар чиқарган хулосаларга қараб белгиланди. Тўғри, олдинлари ҳам бундай синовлар бўлган. Аммо улар номигагина ўтказилган, холос. Энди эса тамоман бошқача: синов жараёнида тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари билан ҳам мулоқотлар олиб борилмоқда. Жойларда медицина муассасалари қуришга келишиб олинмоқда. Ҳамкорликнинг янги усуллари йўлга қўйилаяпти. Тиббиёт муассасаларининг аҳволи ўрганиб чиқилиб, тегишли ёрдам кўрсатишнинг йўл-йўриқлари белгиланаяпти, шартномалар имзоланмоқда. Бу ишларнинг келгусида катта самара беришига шубҳа йўқ.

Рустам ЗУҲРИДДИН ўғли.

Тарихни билиш эртани кўриш демакдир

МАМЛАКАТЛАР ўртасидаги маданий-иқтисодий ва савдо алоқасида Буюк ипак йўлининг аҳамияти катта эканлигини бугун ҳеч ким инкор этмайди. Ота-боболаримизнинг холис қўшничилик, биродорона савдо-сотиқ, борди-келдисига жуда катта нафи теккан бу йўл бугунги аҳлирасолар эътиборини тортаётгани бежиз эмас.

Буюк ипак йўли борасида сўзлаганда ўтмиш алломалари ҳамма вақт Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хитой ва бошқалар қатори Сайрам-Исфижобни ҳам тилга олганлар.

Сайрамнинг номи биринчи ёзма манба сифатида зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да тилга олинган. Демак, икки ярим минг йилдан ортиқроқ ёшга тенг бу кўҳна диёр, тарихнинг ҳамма аччиқ-чучукларини бошдан кечирган. Бу ўлкада сак, массагет, қангли, арғу, сўғдийлар, хуллас туркий миллатнинг бобокалонлари яшаган. Бугун Сайрамда асосан (97 фоиз) ўзбеклар яшайди.

Бу ўлканинг бойлигига, маданиятига кўз олайтирган кўпгина босқинчиларнинг ҳужуми тўғрисида батафсил гапириб ўтиришга имконият йўқ. Шаҳарнинг тўққиз аср давомида 12 марта вайрон қилиниши фикримизнинг далилидир. Бу шаҳарни Амир Темур, Бобур, Машраб ва бошқа буюк зотлар зиёрат қилганлиги, жаҳоннинг кўп олимлари ўз китобида ҳурмат билан тилга олганлиги Сайрамнинг мавқеи қай даражада эканлигини билдиради.

Бу ерда туғилиб, таълим олиб, жаҳонга машҳур бўлган Хўжа Аҳмад Яссавий, Камолиддин Вали Исфижобий, «Қуръон»ни тафсир қилган Қози Байзовий, 37 китоб ёзган Лутфилла Сарёмий, қомусий олим Ҳасан Исфижобий, шоир Юсуф Сарёмий ва бошқалар Сайрам шуҳратини оламга ёйганлар.

Шаҳар маданияти ва иқтисодининг минг йиллар давомида камол топишида Буюк ипак йўлининг ҳиссаси катта дедик. Дарвоқе, IX-XIII асрларда юзлаб карвонсаройлари, работлари, усти берк бозорлари бўлган бу бой шаҳар савдо йўлининг энг муҳим нуқталаридан бири эди. Шу туфайли қадимда тузилган йўл кўрсаткичларда, хариталарда бошқа улкан шаҳарлар сингари Сайрам ҳам алоҳида кўрсатилган.

Маълумки, эрамиз бошларидаёқ мамлакатлараро алоқа Ўрта Осиёдан Хитойгача, кейинчалик Европа, Ҳирот, Рим, Ҳиндистонгача етиб бориб ўзаро савдо ва маданий алоқаларни ривожлантирган. «Самарқанд тарихи»да ёзишича: «Кушон подшолиги давридан буён Шош (Тошкент), Исфижоб (Сайрам), Чу дарёси бойидаги Тароз (Жамбул) яқинидан ва Шарқий Туркистон шаҳарлари бўйлаб ўтган йўллар орқали Хитой билан савдо-сотиқ ишлари яхши йўлга қўйилганди». Мол ортган карвонлар IX-XIII асрларда туманимиз ҳудудидан ўтиб турганлигини далиллайдиган тарихий манбалар кўп.

Ўрта Осиё ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришида ипак йўлининг аҳамияти катта бўлган. Тарихчилар ал-Мақдисий, ал-Маъсудий, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқаларнинг таъкидлашларича, бу йўл Боғдоддан Ҳамадон, Нишопур, Мавр, Бухоро, Самарқанд, Шош, Исфижоб, Тароз, Кулон (ҳозирги Луговая станцияси), Марки, Сиёб, Иссиққўлнинг жанубий қирғоғи ва Шарқий Туркистон орқали Хитойга борар эди.

Тарихчи ал-Мақдисий маълумотларига кўра Сайрамдан четга ҳунармандчилик буюмлари, нафис газламалар, гиламлар, эгарлар, ёғ, тери, елим, ўқ-ёй, чарм, темир, турли қуроллар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқариб сотиларди. Араб тарихчиси Ибн Хавкалнинг (X аср) китобида Ўрта Осиё шаҳарлари шу сингари маҳсулотларни Волгабўйи мамлакатларига олиб бориб сотганлиги, бу ўлкалар ўртасида катта карвонлар тинимсиз қатнаганлиги айтилади.

XI-XII асрларда иқтисодий-ижтимоий ҳаётда ўзгаришлар вужудга келди, ҳунармандчилик ривожлана бошлади. Шу давр анъанасига кўра қайси жойнинг аҳолиси 32 ҳунарни билса, бу жой шаҳар деб аталарди. Самарқанд, Тошкент, Бухоро сингари Сайрам ҳам шаҳар деб аталгани маълум. Бу ерда одамлар тўқимачилик, темирчилик, мисгарлик, намат босиш, кулолчилик, тери ошлаш, дегрезлик, устачилик ва бошқа ҳунарлар билан шуғулланишган.

Тарихчи ал-Мақдисий ёзади: Исфижоб (Сайрам) муҳим шаҳар бўлиб, девор билан ўралган. У обод шаҳардир. Унда пахтадан тўқилган, матолардан тикилган кийимлар сотиладиган бозор бор. Тўрт дарвозаси бўлиб, ҳар дарвозада работи бор». Бошқа бир ерда усти берк бозорлар борлигини, бу ерга четдан келган савдогарлар кўплигини ёзади.

Тарихчи ал-Маъсудий эса Сайрамнинг халқаро савдода қатнашувини шундай таърифлаган: «Фарғонадан ва Исфижобдан темир, мис, қилич, қуроллар, оқ матолар (ташқи мамлакатларга) чиқариб сотиларди». Бу олимларнинг гувоҳлик беришича, Буюк ипак йўлида жойлашган Сайрам доим савдо-сотиқда ва маданий алоқаларда фаол қатнашган, бу ишга улкан ёрдам бериб турилган. Тарихчилар Абдураззоқ Самарқандий, Зайниддин Восифийлар ипак йўли орқали келтирилган фаранг газмоллари ва бошқа чет эл моллари, хитой чиннисини, ҳинд қуроли, черкас пичоқлари, марваридлар, мум, қимматбаҳо мўйна, қоғоз таърифини берганлар.

Исфижоб IX-XIII асрларда ривожланиб обод бўлганлигини далиллайдиган тарихий маълумотлар анчагина. «Сайрам тарихи» рисоласида таъкидланишича, юз мингдан кўп уй, юзлаб масжид, юзлаб карвонсаройлари бўлган. Унинг ҳудуди Тароз, Қозиғурт, Туркистон шаҳарларигача, шарқда Олатоғгача катта майдонни эгаллаган. «Исфижоб-Туркистон чегараларида кўзга кўринган катта шаҳарлардан бири. Унга кенг вилоятлар ва анчагина қишлоқлар қарайди. У ер юзидаги сердарахт, серсув, озода ва обод шаҳарлардан бири» — деб ёзган тарихчи Ёқут Ҳамавий.

Сайрамнинг ўрта асрларда катта ва обод шаҳар бўлганлигини «Қозоғистон ССР тарихи»нинг 1-том, 355-бетидаги қуйидаги сўзлар ҳам далиллайди: «Тарихий манбаларга кўра Тароз ва Исфижоб шаҳарлари айланаси Самарқанд ва Шош шаҳарларидан кам эмас эди. Шаҳар айланаси 10лига (1 ли - 03-05 км) тенг эди. Исфижоб Византия, Эрон, Ўрта Осиё, Кавказ, Олтой, Сибир, Шарқий Туркистон, Хитой ва бошқалар билан мустаҳкам савдо алоқасига эга эди».

Минг афсуслар бўлсинки, кейинги 9 аср давомида бой, обод Сайрамга босқинчиларнинг 12 марта аёвсиз ҳужуми бўлиб, унинг қаддини анча букиб қўйган. 1219-20 йилларда Чингизхон, 1681-83 йилларда қалмоқлар, 1723 йилда Қунтайжи қалмоқлари томонидан Сайрам, унинг атрофидаги шаҳар, қишлоқлар босиб олиниб, вайронага айлантирилгани туфайли Буюк ипак йўли мавқеи анча пасайиб кетди. Босқинчилик натижасида гуллаган бекатлар, шаҳарлар, карвонсаройлар нобуд қилинди. Лекин ҳаёт тўхтаб қолмаганидек, шаҳарлараро алоқа яхшиларнинг шарофати билан яна тикланиб, борди-келди, қўшничилик давом этаверди.

Амир Темур даврида мамлакатлараро савдо-сотиқ ва маданий алоқани яхшилашга, унинг хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилгани маълум, Буюк ипак йўлида карвонсаройлар, бозорлар қурилган, карвонларнинг хавфсиз ҳаракати кузатиб турилган.

Ўзбек олими, Бўрибой Аҳмедов «Улуғбек» номли китобида қуйидагиларни хабарлайди: «XV аср ўрталарида мамлакатлараро савдо ва элчилик карвонлари Ўрта Осиёдан Хитойга икки йўл орқали боришарди. Биринчиси, Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистон (Хитой) шаҳарлари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси — Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш орқали Олой водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Қошғар, Хўтан ва Ёркент шаҳарлари орқали ўтган».

Боғдод халифаси Бувейҳид саройида 945 йил тузилган йўл саёҳатномасида қуйидаги маълумотлар берилиши бежиз эмас: «Шош шаҳридан Газгрдгача 7 фарсах (1 фарсах — 8 км.), у ердан Исфижобгача 4 фарсах, ундан чўл орқали юрилса, Шеробга келинади. Бу ерда Мава ва Юран деган дарёлар бор...» Карвон ва сайёҳлар учун бундай йўл кўрсаткичи ўша пайтда жуда зарур эди-да.

Сайрам ва унинг атрофидаги шаҳар, қишлоқларни Тошкент ҳокими Юнусхўжа эгаллагандан сўнг ҳам ташқи алоқани, савдо-сотиқни яхшилашга ҳаракат қилинди. Ҳатто, Тошкент ҳокими 1793 йилда бир неча савдогарлар билан иккита амалдорни карвонга бош қилиб, Русия шаҳарларига — Омскка жўнатади, 1797 йилда эса Юнусхўжа элчилари Петербургга боради. Бу ҳаракатлардан мақсад савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни ривожлантириш эди.

Сайрам Хитой, Рим, Ҳиндистон, Ҳирот, Европа элчилари билан савдо-сотиқ ва маданий алоқа қилганлиги, Буюк ипак йўлининг бош шаҳарларидан эканлигини далиллайдиган археологик ашёлар ҳам анчагина топилмоқда. Сайрам ерлари тасодифан қазилганида чет элдан келтирилган турли буюмлар, чинни асбоб синиқлари, тангаларга дуч келинган. Сайрамнинг «Қўнғиртепа» деган еридан топилган тангалар орасида Сомонийлар, Қорахонийлар даврига оид, шунингдек, Хитой ва сўғдий тангалари ҳам учрайди.

Хитойнинг Шинжонг — Уйғур мухтор райони ҳукумати раиси Темир Давомат диёримиздан ўтган, Буюк ипак йўлини таъмирласак, катта вазифани амалга оширган бўлардик, деб айтган эди ўтган кузда. Дарвоқе, бу қадим йўллар, азалий дўстлик тикланса, нур устига аъло нур бўларди. Ҳозирги ЮНЕСКО экспедициялари шундай холис хизматга ҳисса қўшса ажабмас.

Ҳозир Сайрам Чимкент яқинидаги қишлоқ. 30 минг аҳоли яшайди. Йирик Ленин номли жамоа хўжалиги, 5 та ўрта, 5 та саккиз йиллик мактаб, бир билим юрти, музика мактаби, 2 та интернат бор. Бир завод, 2 та механизациялашган кўчма колонна ва бошқа ташкилотлар жойлашган. Жамоа хўжалиги асосан сут, гўшт, сабзавот, мева, ғалла етиштиради. Тарихий обидаларга бой, хонадонлари газлашган, замонавий шаҳарча, деса бўлади.

Мираҳмад МИРХОЛДОР ўғли.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ҲАР ҚАНДАЙ ШАРТЛАРДА, ҲАР ҚАНДАЙ ҲАЖМ ВА МИҚДОРДАГИ, ҲАР ҚАНДАЙ МОЛЛАР!

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА «ТОШКЕНТ» КУП ТАРМОҚЛИ МОЛ-ФОНД БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

биржа фаолиятида иштирок этиш ниятидаги барчани

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

«Тошкент» биржаси — берк йўналишдаги акционерлик жамиятидир.

Биржа муассислари — Ўзбекистоннинг ва кўп жиҳатдан Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий қиёфасини белгилаб берувчи йирик ташкилотлар ва бирлашмалардир.

Биржанинг устав жамғармаси — 60 миллион сўм.

Битта акциянинг ҳақиқий баҳоси — 200, 100, 50 ва 25 минг сўм.

Оддий, имтиёзли ва номи ёзилган акцияларга, шунингдек, тақдим этувчига мўлжалланган акцияларга обуна бошланди.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

— биржа фаолиятининг барча турларини амалга оширади;

— металл ва металл буюмлар, ёғоч ва ёғочсозлик материаллари, технологик ускуналар, электр ускуналар, кимёвий материаллар ва нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини **сотиш, сотиб олиш** ва **бартер йўли билан айирбошлаш** учун талабномалар қабул қилади;

— 1991 йилнинг июлидан бошлаб биржа кўчмас (ҳаракатсиз) мол-мулкларни сотишга доир муомалаларни амалга оширади;

— август ойидан қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ муомалаларни бажаришга киришади.

САВДО-СОТИҚ КУНИ — ҳар пайшанба соат 11.00 дан бошланади.

Биржа хизматлари учун битимлардан олинадиган ажратмалар 0,5 фоизгача камайтирилган.

Август ойидан эътиборан биржа ҳафтасига **2 МАРТА:** сешанба ва пайшанба кунлари ишлайди.

«Тошкент» биржаси қошида банк бўлимининг очилганлиги 1991 йилнинг августидан бошлаб битимларни маблағ билан таъминлаш ва уларни суғурта қилдириш имкониятини яратади.

Шунингдек, «Тошкент» биржаси ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатади, брокерларни тайёрлайди.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

иқтисодиётнинг барча жабҳаларидаги корхоналар ва ишбилармон кишиларни ўзаро манфаатли

ҳамкорликка таклиф этади

Ишончингиз комил бўлсинки, бизга келиб тушаётган таклиф ва талабномаларингиз эътиборсиз қолмайди ва диққат билан кўриб чиқилади.

Мулоқот телефонлари: (8-371-2 код), 45-77-43, 45-79-49, 45-83-87, 45-71-41.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ — БУ УЗБЕКИСТОН ВА УРТА ОСИЁНИНГ МИСЛСИЗ БОЙЛИКЛАРИ САРИ ЭЛТУВЧИ ЙУЛДИР!

БУГУНГИ КУНДА — БУ СИЗ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ, ЭРТАГА ЭСА — СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗДИР!

БУГУН: «Народное СЛОВО» саҳифаларида

Газета махсус мухбири П. Дюгайнинг Жиззах вилоятида дағал хашак жамғариш қандай бораётганлиги ҳақидаги хабари ва «Шу сонга хат» рукни остида табиат муҳофазаси бўйича Навоий районлараро инспекцияси бошлиғининг ўринбосари В. Топалованинг экологияга оид материали биринчи саҳифадан ўрин олган.

Иккинчи саҳифада «Советлардаги коммунистлар» рукни остида тарих фанлари доктори, профессор К. Норматов ва тарих фанлари номзоди, доцент А. Верясовларнинг материалларини, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги раиси А. Зонтов билан ижарачиларнинг ўртасидаги муаммо тўғрисида Л. Соннинг мақоласини ўқишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон МССРда хизмат кўрсатган қурувчи Қ. Адамбетовнинг Орол муаммоларига бағишланган мақоласи учинчи саҳифада жойлашган.

Тўртинчи саҳифадан «Ҳукм ўқилгандан сўнг» рукни остида Янгиобод шаҳар прокурори Х. Эров ва газета мухбири Ш. Бойбековларнинг мақолалари, «Труд» рўзномасининг 31 июль сонидан кўчириб босилган «Эркабоевнинг 200 куни» сарлавҳали материал билан танишасиз.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МУАССИС: *Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши*

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, ГСП*

Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.40. Индекс: 64608. Буюртма № 5837.